

УДК 581.6:633.1

МОШНИНГ ТИК ЁСУВЧИ, ДУКАКЛАРИ ЧАТНАМАЙДИГАН ЯНГИ НАВЛАРИ

Хусниддин Габтрашитович Мансуров

*Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти,
ўсимликлар интродукцияси бўлими мудири*

Аннотация: Мақолада давлатимиз раҳбарининг қарорлари, дунёда мош этиштирувчи мамлакатлар ва олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари қисқача ёритилган. Мошнинг тик ёсувчи янги навлари, глобал иқлим ўзгаришини инобадга олган ҳолда ўсимликка таъсир қилувчи стресс омиллар иссиқлик қурғоқчилик шунингдек озиқ-овқат ҳавфсизлигини мунтазам таъминлаш, тупроқ унумдорлигини ошириришга хизмат қилувчи экин, олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқлар, экспорт талабига жавоб берадиган навлар тўғрисида сўз боради.

Аннотация: В статье кратко описаны решения главы нашей страны, машинопроизводящие страны мира, а также проводимая научно-исследовательская работа. Новые прямостоячие сорта моша, стрессовые факторы, воздействующие на растение в связи с глобальными изменениями климата, жарой и засухой, а также регулярным обеспечением безопасности пищевых продуктов, культурой, служащей повышению плодородия почвы, достижениями, достигнутыми в результате научных исследований, и обсуждаются сорта, удовлетворяющие экспортный спрос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 декабрдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатимизнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги ПҚ-179-сон «Қишлоқ хўжалигида экинларни экишда тупроқ унумдорлигини ва ҳосилни ошириш, суғоришни янги технологияларини жорий этишни қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашда мошнинг иссиқлик ва қурғоқчилик, стресс омилларга бардошли ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган навларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда мош етиштирувчи мамлакатлар орасида Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Мянма, Индонезия, Тайван, Миср, Австралия, Гретсия, Италия, Испания, Жазоир каби мамлакатларда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мос, иссиқлик ва қурғоқчиликка бардошли, ҳосилдорлиги юқори ва экспортбоп мош навларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда бирмунча ютуқларга эришилган ҳолда, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган, кам сув талаб этадиган, етиштирилган ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга қулай, иқлимга мос, тик ўсувчи, механизатсия ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган мош навларни яратиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив ва инноватсион илмий-ишланмаларини жорий қилган ҳолда экинларнинг янги навларини яратиш ва уларнинг ҳосилдорлиги ҳамда касалликларга чидамлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минтақамизнинг қулай тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, бир йилда 2-3 мартагача юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Ҳар йили бошоқли дон экинларидан бўшайдиган бир миллиондан зиёд суғориладиган майдонларда 100-120 кун давомида такрорий экинларни ҳам етиштириш мумкин.

Маълумингизким азалдан мошнинг маҳаллий навлари ётиб яъни ер бағирлаб ўсади, пишиб етилган дукаклари очилиб, чатнаб кетиш оқибатида ҳосилни кўп қисми нобуд бўлишига сабаб бўлар эди. Ҳосил асосан қўл кучи ёрдамида йиғиб олиниб қўшимча вақт талаб этиб рентабиллик даражаси пас кўрсаткичда бўлиб, уруғлари кичик (1000 дона дон вазни 40-45 г.) ўсув даври узок мудатни ташкил этар эди.

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти олимлари Бутунжаҳон Сабзавотчилик Маркази билан ҳамкорликда мошнинг янги (Дурдона, Зилола, Турон, Маржон, Осиё, Замин, Барака, Барқарор) навлари морфобиологик ва қимматли-хўжалик белги ва хусусиялари бўйича комплекс ўрганилиб янги интенсив типдаги навлари яратилди. Ушбу навлар тез пишар бўлиб республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос, морфобиологик ва қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларига эга, тик ўсувчи, механизация ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган, дукаклари чатнамайдиган навлар ҳисобланади.

Институтда мошнинг яратилган янги навининг ишлаб чиқаришга наводор оригинал уруғларини узатиш мақсадида бирламчи уруғчилик тизими ташкил этилди.

Ҳар йили 1000 гектар майдонга етарли юқори авлодли сертификатланган уруғлар етказиб берилиб, етиштириш агротехнологиялари бўйича фермер, деҳқон, кластер хўжаликларига илмий-амалий семинарлар иштирок этилиб тавсиялар берилмоқда.

Бундан ташқари янги яратилган Мошнинг янги Осиё, Замин, Барака, Барқарор навларига Интеллектуал мулк агентлигидан патент олиниб мош уруғлиги ишлаб чиқариш учун замонавий уруғни саралаш ва кимёвий дорилаш жиҳозлари олинди. Келгуси йилда институт қошида мош уруғлигини ишлаб чиқариш корхонасини очиш режалаштирилмоқда.

Хулоса

Бугунги кунда қисқа муддат ичида юқори даромад келтирувчи ресурс тежовчи технологиялар асосида парваришланишга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларига талаб ошиб бораётган бир даврда ушбу янги интенсив типдаги навларни етиштириш фермер, кластер ва деҳқон хўжаликлари учун айтилган муддао ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашда мош сувни тежовчи экин бўлиб иссиқлик ва қурғоқчилик, стресс омилларга бардошли, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган экин ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кам сув талаб этадиган, етиштирилган ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга қулай, иқлимга мос, тик ўсувчи, механизатсия ўримига яроқли, дуккаклари чатнамайдиган, йирик донли, юқори ҳосилдор ва экспорт талабларига жавоб берадиган мош навларига талаб ошиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Мош етиштириш технологияси” Тавсиянома. Ташкент: Навруз, 2018.- 24 с.- ИСБН 978-9943-3816-0-5. Б.С. Болтаев 10 %, Ш.М. Кенжабаев, Б.А. Сулаймонов, Р.Ф. Мавлянова 10, Х.Г. Мансуров.

2. Мавлянова Р.Ф., Абдуллаев Ф.Х., Мансуров Х.Г. Агротехнология выращивания новых интенсивных сортов маша. // Ж.: Сельскохозяйственные технологии.- Екатеринбург, 2020.- Вып. 2.- № 1.- С. 1-7.- ИССН: 2658-4018.-ДОИ: 10.35599/агритеч/02.01.01

3. Мавлянова Р.Ф., Абдуллаев Ф.Х., Мансуров Х.Г. Агробиологическое изучение мировой коллекции маша (Вигна радиата (Л.) Вилсзек) и выделение перспективных образцов для селекции. // Наука и инновации: Мат. меж. науч. конф.- С. 501-503.-хттпс://www.дои.орг/10.36522/Ссиенсе_анд_инноватион.- ИСБН 978-9943-6735-2-6.

4. Мансуров Х.Г., Абдуллаев Ф.Х. Использование мировой коллекции генетических ресурсов маша (Вигна радиата (Л.) Вилсзек). // Приоритеты агропромышленного комплекса: научная дискуссия: Мат. меж. науч.-практ. конф., посв. 30-лет. незав. РК.- НАО «Сев.-Каз. Унив. им. М.Козыбаева.- 19 марта 2021 г.- Петропавловск: СКУ М.Козыбаева, 2021.- С. 152-155.- ИСБН 978-601-223-388-9.

5. Аликулов С.М., Абдуллаев Ф.Х., Широкова Ю.И., Мансуров Х.Г. Внедрение нового сорта маша «Баркарор» при использовании интегрированных инновационных технологий управления земельно-водными ресурсами. // Значение богарного земледелия, научная основа инновационных агротехнологий и его развития: Мат. меж. науч.-практ. конф., посв. 110-лет. НИИБЗ.- 19 мая 2023 г.- Галлярал, 2023.- С. 191-194.